

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.



Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

31 АВГУСТ, СЕШАНБА. № 170 (685).
1993 йил.
Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕК ЭЛИ-ЎЗ ОҒАМ, -ДЕБ, ЎТРИК СЎЗЛАМАС ҚОЗОҚ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОЗОҒИСТОННИНГ ҚУҚЧАТОВ ВІЛОЯТИГА ТАШРИФИ ХУСУСИДА



Марказий Осиёнинг мустақил давлатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар сўнгги пайтларда нафақат кучаймоқда, балки мутлақо янгича маъно касб этаётди. Бунга жидда Тошкент, Алмати, Уш шаҳарларида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлар яқин далил бўла олади.

26—27 август кунлари Қозоғистоннинг Қуқчатов вилоятида тағин бир хайрли тадбир амалга оширилди: уч мамлакат Президентлари — Ислам Каримов, Нурсултон Назарбаев ва Аскар Акаевлар тағин дийдор кўришиб, бозор иқтисодиёти муаммолари, мустақиллигимизни янада мустахкамлаш йўлидаги оқимлар хусусида ўзаро фикр алмашишди. (Давоми экинчи бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 август кунини Америкада нашр қилинадиган «Тайм» ҳафталик журнали мухбири Жон Кохани қабул қилди. Жон Кохан мамлакатимиз Президентини қабулга келишдан олдин Самарқанд шаҳри ва вилоятининг Ургут туманига сафар қилгани, у ерда амалга оширилаётган туб ўз-

гаришлардан катта таассурот олганини айтди.

Ислам Каримов Жон Коханга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида сўзлаб берди. Мухбирни қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб қайтарди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРИ, ЖАМИЯТЛАРИ ҲАМДА УЮШМАЛАРИ АЪЗОЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

Азиз дўстлар!
Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустиқлигининг иккинчи йиллиги билан табриқлайман ва кўп миллатли давлатимизда фуқаролар, миллатлараро тотувлиқни мустахкамлашга, ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришишга қўшаётган ҳиссанигиз учун самимий миннатдорлик билдираман.
Буюк Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида қилаётган оқимноб меҳнатингизга муваффақиятлар тилайман. Сизларга тинчлик ва бахт-саодат ҳамisha ёр бўлсин!

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикасининг Президенти.

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

29 август кунини Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Мустиқлигининг иккинчи йиллигини нишонлашга тайёргарлик ва унинг ўтказиш бўйича республика ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков раислик қилди. Унда байрамга ҳозирлик кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

(ЎзА).

НОИБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида халқ ноиблари билан учрашув бўлди.

Учрашувни Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков очди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков учрашувда сўзлаб, жумладан, бўлажак сессия муҳокамасига кириш-тиладиган масалалар ва қо-

нун лойиҳаларига эътибор-ни қаратди.

Сўзга чиққанлар мазкур ҳужжатлар юзасидан фикр ва мулоҳазаларини айтиб, айрим тузатиш ва қўшимчаларни тақлиф этдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг давлат мас-лаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

УН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ УН УЧИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ун иккинчи чакирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ун учинчи сессияси 1993 йил 2 сентябрда соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари бугун, 31 август эрта билан соат 9 дан кеч 17 га қадар, эртага — 1 сентябрь кунини эрталаб соат 9 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойе-сида бўйхатта олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНING ҚАТАНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қўрақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳаридан бўлиши халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши бугун, 31 август кунини соат 11 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кичик мажлислар залида бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. В. ГАНИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ
ҚЎМИТАСИНING
РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Азиз Валиевич Ганиев Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида

30 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги ун учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш юзасидан депутатлар ишчи гуруҳининг ақувловчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини гуруҳ раҳбари — Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Э. Халилов бошқарди. Парламент ижтимоий-маиший, ахборот хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатишни ташкил этиш тўғрисида, Олий Кенгаши сессияси ишнинг республика таълимоти ва радиосида, матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ёритиш хусусида ахборот берилди.

Республика Олий Кенгаши Қўмитасида

30 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Иқтисодий ислохот бюджет сессияси ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисини қўмита раиси Э. Хўжаев бошқарди.

Ўзбекистон Республикасининг «Қўймавбаҳо қозғолар ва фонд биржаси ҳақида», «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуналирининг лойиҳалари муҳокама қилинди. «Биржалар ва биржа фаолияти», «Нижара тўғри-

сида» Ўзбекистон Республикаси Қонуналирига, Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги тақлифлар ҳам қўриб чиқилди.

Бу ҳужжатларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига таъқим этилди.

(ЎзА).

Самимий қутловлар

«МОВАРОУННАХР» МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ ИДОРАСИ БОШҚАРУВИ ҲАЙЪАТИНИНГ
ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
АНЖУМАНИДА ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ
ЖУМҲУРИЯТ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АКА АБДУҒАНИ УҒИЛЛАРИ КАРИМОВ
ЖАНОБЛАРИГА ЙУЛЛАГАН ТАБРИКНОМАСИ

Тошкент шаҳри, 1993 йил, 26 август.
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

Қадри Президентимиз! Биз, мустиқл Ўзбекистон му- сулмонлари намояндалари, Сизни, маслакдошларингизни, ва Сиз орқали ватанимиз ҳудудида истиқомат қилаётган турли миллат ва динларга мансуб бўлган барча юртдош- ларимизни кутлуғ истиқлол кунин билан чин қалбимиз- дан муборакбод этамиз.

Бу буюк айёмини Ўзбекистоннинг барча ватанпарварла- ри каби биз руҳонийлар ҳам ҳеч бир муболагасиз ҳақи- қий байрам сифатида кенг нишонламоқдамиз. Шу муно- сабат билан тарихимизнинг яқин мезиётига бир назар ташласан, бу куннинг нақадар зўр аҳамиятга эга экани бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, кечагина биз қан- чадан-қанча сохта байрамларнинг зўрма-зўракилик билан ўтказишганига шўхд бўлганмиз, эндиликда, истиқлол- нинг парвати туфайли икки буюк байрамимиз — Ра- миз ва Қурбон ҳайитларининг Сизнинг фармони олий- нингизга кўра давлат миқёсида эътироф этилиши ва дам олиш кунлари деб эълон қилиниши исломий қадриятла- римизнинг қайта тикланиётганига ёқин далилдир.

Истиқлол айёми — биз учун улуг неъматлардан бири- ди. Бунинг учун, аввало ҳолиқ коинот — Оллоҳ тао- лага бандчилик шукрини айтмоғимиз ва Сизга эса, жа- ноб Президентимиз, тираи миннатдорликлар изҳор эт- моғимиз бизнинг фуқаролик бурчимиздир. Оллоҳ таоло Қуръонини қаримиз: «Менин неъматларимга шукроналар қилсингиз, биз сизларга уларни, албатта, эндида этажак-

миз» деб ваъда қилган. Бу илоҳий сўзлар биз му- сулмонларнинг кундалик ҳаётимизда бамисли шамчирқидир. Пайғамбаримиз Аллайхиссалом ҳадиси шарифларида: «Биз барчамиз нисбатан ҳуқумдорларимиз ва қўл ости- миздагилар учун масъулмиз. Ойла соҳибини ўз ойда аъзо- лари учун, маҳалла бошлиғини ўз маҳалладошлари учун, туман ҳокими туман аҳли учун ва давлат раҳбари барча халқ учун масъулдир», деганлар. Сизнинг, қадри Прези- дентимиз, ушбу ҳадиси шариф мазмунига мос ўлароқ халқ фаровонлиғи учун қилаётган ишларингиз ва эзу- ги ниятларингиз катта олқишларга сазовордир. Халқимиз олдидаги буюк масъулиятни ҳис этган ҳолда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, эътиқодий ва бошқа соҳаларда оз фурсат мобайнида қўлга киритилган муваффақиятлар, ҳеч шубҳасиз, Сизнинг бетининг ва фалс саъий ҳаракатла- рингиз самарасидир. Бунинг ҳатто бизнинг хориждаги, ҳу- сусан Араб ва бошқа Ислам мамлакатларидаги биродар- ларимиз ҳам катта мамнуният билан таъқидламоқдалар.

Мухтарам Президентимиз, Сизга маълумки, улуг ай- ам — байрам кунлари дўсту қадрдонларни, ҳешу ақра- бонинг табриқ этиш ва уларга энг яқин ишталарини- дандир. Биз уларга содиқ ўлароқ Сизни энг яқин қадр- доимиз сифатида яна бир бор самимий табрик этамиз ва энг яқин тилақларимизни изҳор қиламиз.

Оллоҳ таоло Сизга сизхат саломатлик, узоқ умр, саб- р бардош, собатқадарлик ато айласин ва эзу ниятла- рингизни амалга оширишда доимо сизга мададкор бўл- син!

Ана шу улуг айёмда, биз — собиқ Бухоро амирининг хорижда таваллуд топиб, Ватан соғинчида яшаётган ав- лодлари, шахсан сизни — илоҳим, умрингиз узоқ бўл- гай — сиз орқали эрқ турғини кўтарган Ватанимиз аҳли- ни муборакбод этишга журъат қилдик. Илоҳим, Ватан ўз- ра эрқ қуёши муқим порлагай. Билингким, бугун биз —

хориждагиларнинг ҳар бирининг уйда, қалбида тўй, сиз билан бирга байрам қиламиз. Иншоолло, порлоқ кела- жакли буюк давлат барпо этиш йўлидаги сатий ҳара- катларингиз воқиб, фуқаронгиз нқболли бўлай.

Табригимизни қабул этиб, халққа етказишингизга умид борлаб ушбу муборакномани йўладик.

Хорижий ватандошлар ва собиқ Бухоро амира Саййид Олимхон авлодлари номидан у кишининг фарзандлари:

Саййид Иброҳим Олимхон ўғли
Саййид Раҳим Олимхон ўғли
Саййид Ҳолиқ Олимхон ўғли
Саййид Ибод Олимхон ўғли
Саййид Кабир Олимхон ўғли
Саййид Мансур Олимхон ўғли
Саййид Холж Олимхон ўғли
Саййид Рауф Олимхон ўғли

Ҳозирател шаҳри,
Туркия.

1993 йил 19 август

Президент жаноби олийлари,

Миллий байрамнингиз муносабати билан Сизга ва Ўз- бекистон халқига катта мамнуният билан самимий таб- рикларимни йўллайман, бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Қиролча ЕЛИЗАВЕТА.

Вукангем саройи,
1993 йил 27 июль
Янобон олийлари,

Ўзбекистонда мени илиқ кутиб олганингиз учун та- шаққур. Шахсан Сиз билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлганимдан гоят хурсандман. Қимматли вақтингизни ажратиб, қабул қилганингиз биз учун буюк шарафдир. Биз командор Лоренс ҳамроҳлигида икки кун даво- мида қуёш энергияси институтинда ва бошқаруш мас- конасида бўлиб, кўп янгиликлар билан танишдик. Улар- нинг барчаси бизни ўзига мафтун этди. Самарқанд бо- зорида эса биз самимий инсонлар билан учрашиш им- кониятига эга бўлдик.

Мустиқиллик Сизларга қадриятларингиз тикланиши ва барқарорлик билан бирга қўллаб мамлакатлар билан дипломатик муносабатларини яхшилаш имконини берди. Энергияси институтини эса жаҳонда етакчи илм масканла- ридан бири. Пахта ва олтин саноатининг ниҳоятда бар- қарор, муқими эса, халқингиз энг буюк намунадир.

Англияга режалаштирган сафарингизнинг амалга ошу- лга умид қиламан ва Сиз билан мулоқотимизнинг кел- гуси йилда яна давом этишига ишонаман.

Самимий билан

МАЛИКА АННА.

ЎЗБЕК ЭЛИ — ЎЗ ОҒАМ, — ДЕБ, ЎТРИК СЎЗЛАМАС ҚОЗОҚ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бир томони тоғларга, бир томони бепоён далалару қўлларга туташган. «Қозғонгоннинг Швейцарияси» деб ном олган ушбу сўлим масканга, даставвал, юртбошимиз Исро Каримов ташириб буюрди. Вилот аэропортида юқори мартабали меҳмонни Қозғонгон Президенти Нурсултон Назарбоев, республика Бош вазирининг ўринбосари Сергей Кулагин ҳамда бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

Исро Каримов ва Нурсултон Назарбоев аэропортдан чини заводига йўл олишди. Мингдан зиёд киши меҳнат қиладиган, ҳар ойда юз эллик миллион рубл ҳажмида турфа шакллардаги идиш-тўвоқ ишлаб чиқарувчи ушбу корхона раҳбарлари меҳмонларга бу ерда тайёранадиган буюмлар, заводдаги меҳнат шaroити ҳақида гапириб беришди.

Исро Каримов ва Нурсултон Назарбоев цехларда бўлиб, ишчилар билан суҳбатлашди. Ўзбекистон Президенти кўчатовлик чининосозларга республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан Тошкент чини заводига ишланган бежирим лаган соға қилди.

У ердан вилот фойдаи қазилмалари нусхалари сақланган музейга боришди. Шунинг таъкидлаш кераки, Кўчатов замини бағридан олтин, олмос, вольфрам, титан каби кўпгина нодир металллар олинади.

Исро Каримов мезбонларга металлларни қазиб олиш, уларни, алтынни, олтинни қайта ишлаш жараёни ҳусусида қатор саволлар берди. «Бу соҳада ўзбекистонлик ҳамкасбларингиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга ча-

Исро Каримов хислатларидан бири шуки, юртбошимиз қаерда бўлмасин, одамларнинг турмуш шарoити билан танишишга ҳаракат қилади. Каримовнинг озиқ-овқат дўконига ташириб бонси ҳам худди шунда эди.

Ушбу магазинда гўшт ва сут маҳсулотларининг ҳамма тури бор, нархлар эса Қозғонгоннинг бошқа шаҳарларига нисбатан анча арзон экан...

Кейин ҳар иккала Президент шаҳардаги янги мавзеге боришди, бу ерда қад ростлаган шинам уй-жойлар, уларнинг соҳиблари билан танишишди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Қозғонгонда шахсий уйлар қурилишига ниҳоятда катта эътибор ажратилади. Бу ерда одатдагидек «кути» биноларга иложи борича барҳам берилиб, ҳар бирининг таъқи қўрилиши бетақдор, икки-уч қаватли, яшаш учун ҳамма қулайликлар мужассам коттежлар қад рост-лаяпти.

Ушбу мавзедан 61 та шундай иморат қурилган. Пишган гиштдан, салобатли.

«Тўғри, — дейди Кўчатовдаги 2-қиллоқ қурилиши бошқармаси бошлиғи Асқар Касинов, — турғунлик йилларида шундай бинолар қуриларди, аммо жуда кам ва асосан, «китталар» учун. Энди эса бу хил муқташам уйлар қурувчи, қорвалор, механик-электрларнинг оилаларига насиб этмоқда.

Шаҳарчада бўлиб ўтган суҳбатда Нурсултон Назарбоев уй-жой қурилиши муаммосини ечиш борасида Қозғонгон ҳукумати амалга ошираётган ишлар ҳусусида жумладан шуларни айтди: — Ҳозир мамлакатимизда ярим миллион оила уй олиш учун

мақтайдиган турғунлик йилларида бир йўла шунча уй қуришнинг имконияти бўлмоқди, — яна денг қандай уйлар — ҳар бири нақ қаср! — дейди қўзониб-жўшиб Назарбоев.

Ўттиз йил давомида қурувчи бўлиб ишлаган Виктор Шчерба-тов оиласи билан яқинда ана шундай қасрлардан бирида (фой-дали майдони 220 квадрат метр) ҳовли тўйга ўтказибди.

— Уйимизнинг орти томонда каттагина участка бўлиб, — дейди Шчерба-тов, — помидор, бод-ринг... экканмиз. Бозордан бирор нарсани олишга эҳтиёж йўқ.

Исро Каримов Шчерба-товни янги уйга кўчиб ўтгани билан қут-лади, оиласига бахту нқбол ти-лади.

Шу кунни Кўчатовга Қирғи-зистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ҳам учиб келди ва учала давлат Президентлари ви-лоти маъмурияти қароргоҳида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ма-салаларини муҳома қилишди.

Таширининг иккинчи кунини яна-да серфайз ўтди. Эрталаб Пре-зидентлар Қозғонгоннинг йиринк-галлакор вилоти ҳисобланмиш Кўчатовнинг қатор хўжалиқла-рида бўлиб, ўрмининг бориши билан танишди. Сўнг улар Кўчатов, Оқмола ва Шимолӣ Қозғонгон вилотлари раҳбарла-ри билан учрашди.

Шунинг таъкидлаш жоизки, га-лла масаласи юртимиз учун энг муҳим муаммолардан ҳисобла-нади. Республикамиз эҳтиёжи учун йилгига олти миллион тонна дон зарур. Бизда эса ҳозирча бир миллион тонна галла етиш-тириляпти. Аммо олиб борилаёт-ган бутунгиз аграр сибат нати-жасида галлага бўлган эҳтиёжи биз яқин орада тўласинча қоплай-оламиз. Дейлик, келгуси йили 750 минг гектар ерга галла эки-либ, уч миллион тоннага яқин дон тайёрлаймиз. Лекин ҳозирча Ўзбекистон четдан йилгига беш миллион тонна галла олмақда. Шундан аксарият қисми Кана-да, АҚШ, Туркия каби мамла-катлардан. Хориждан келатган дон ниҳоятда қimmatга туша-ётир — тоннаси ўртача 135—140 доллардан. Устига устак, йўл харажатию ташвишлари ҳам ан-чагина. Галла кемада Украина-нинг денгиз портига келиб ту-шади, ундан вагонларга юкла-ниб, бу ёққа ташилади. Ҳар бир вагон учун ўртача 105 минг тў-ланади! Қозғонгондан галла олиш эса бизга анча арзон бўла-ди. Ҳисоб-китобларга қараган-да, бир миллион тонна галладан икки миллионга 400 миллион рубл тежаб қолинаркан! Яна денг Қозғонгон галласининг сифатиам анча яхши!

Исро Каримов таширининг асосий мақсадларидан бири Қо-зғонгондан олинатган галла ҳажминини кўпайтиришга қаратил-ганининг бонси ана шунда эди. — Бу йилги ҳосилдан Ўзбеки-стонга 1 миллион тонна галла со-тишга аҳд қилдик. Ушбу кўрсат-кичининг 2 миллион тоннага етиши-га реал асослар бор, — деди биз билан суҳбатда Нурсултон Назар-боев.

Ҳозир Қозғонгондаги ўрим-йи-ғим мавсумида Ўзбекистондан ик-ки минг нафар ҳайдовчи (табиий-ки, ўз машиналари билан) ишти-рок этипти. Шулардан 1800 нафа-ри Кўчатов вилотига ишламоқ-да. Қозғонгонлик биродарлари-миз ҳамюртларимизнинг ишидан ниҳоятда мамун. Бу ҳақда Кў-чатов аграр соҳат бirlашмаси бошлғи Тўлаган Махмедов «Халқ сўзи» мухбирига берган интервью-сида қуйидагиларни айтди:

— Биз Тошкентга ташириб бую-риб, Бош вазириятнинг биринчи ўринбосари Исмоил Ҳамидович Жўрабеков билан учрашувдик. У киши бизни илқ қабул қилди ва галлани ўриб олишда машинаю ҳайдовчи ҳусусидаги ҳамма муам-моларимизни зудлик билан ҳал қилиб берди. Мана энди улар да-лаларимизда ўз самарали меҳнат-лари билан кўпчиликка ўртак кў-рсатишпти.

Бизнинг яна бир мақсадимиз Навоийдан минерал ўтиту герби-цидлар олиб келиш бўйича шарт-нома тузиш ўйлаймиз, ушбу муаммо ҳам ижобий ҳал қили-нади.

Уч Президент галлазордан вер-толётларда Айртон туманининг Қосқўл овулига учиб келишди. Яқинда овул аҳли ўз ҳамқиллоқ-лари — Қозғонгоннинг улуг оқи-ни, бастакори Аҳма Сереннинг 150 йиллик таваллудини нишонлаш-ганди. Шу овулда унга ҳайкал ўр-натилган.



Овулнинг марказий қўрғони Ев-ропа шаҳарларига ўхшаб кетади. Ҳар бир иморат ўта замонавий меъморчилик услубида қурилган. Айниқса, турар-жой биноларига одамнинг ҳаваси кетади: икки-уч қаватли, гараж ва саунали уйлар. Уларда яшаш учун ҳамма шарт-шaroит яратилган.

Овулда ўша кунни катта байрам бўлди: Президентларни кутгани юзлаб одамлар тўпланди. Овул-ликлар Назарбоевга марказий шаҳарчининг рамзий калитини топ-ширишди. Бу ерда учала давлат раҳбари ҳам нутқ сўзлашди ва



гап, асосан, дўстлик ҳусусида бор-ди. Сўнг қозоқча, ўзбекча, қир-ғизча қўшиғу куйлар янгради.

Ҳа, шунинг қўвонч билан таъ-кидлаш жоизки, ўнлаб одамлар Президентлардан дастхатлар ёз-дириб олишди.

Алламаҳалгача давом этган уч-рашув концертдан сўнг вертолёт-лар яна тепага кўтарилиб, бу гал Чўқон Валихоновнинг бепоён да-ла бағридаги уй-музейи ёнига бо-риб қўнишди. 1918 йилда давлат томонидан мусодара қилинган уш-бу иморат кейинчалик бўзилиб, ташландик ҳолга келиб қолган ва яқинда уни Чўқон Валихоновдан қолган чинималар асосида қайта таъмирлашган экан.

Аттиги ўттиз йил умр кўрган (1835—1865) Чўқон Валихонов қозоқ маънавияти тарихида ўчмай-диган из қолдирди. У тарих, гео-графия, сиёсий иқтисод, этногра-фия, археология, тилшунослик со-ҳаларида қатор илмий асарлар ёзган. Унинг китоблари ўрта Осиё, Қозғонгон, Ғарбий Хитой халқла-ри ҳаёти, тарихи ва маданиятини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Валихонов ўнлаб дoston, халқ кў-шиқларини эрталарини ҳам ёзиб олганди. У жасур инсон бўлиб, Чор подшоҳи зулминини аёвсиз тан-қид қиларди.

Рус география жамиятининг аъ-зоси қилиб сайланган Чўқонни 1864 йилда Черняев ўз экспеди-циясига қўшади. Экспедиция «са-фар» вақтида черняевчи-мустам-

лакачиларнинг маҳаллий халқ-ларга бўлган қўпол муомалалари-дан ғазабланган Валихонов илор-зилик билдириб, овулига қайтиб кетади ва у ерда роса куйидади ҳамда бир йилдан сўнг оламдан ўтади.

Назарбоев, Каримов ва Акаев-лар музей экспонатлари билан та-нишишгач, унинг ёнидаги майдон-га дарахт экишди. Вилот маъ-мурияти бошлиғи уччала Прези-дентга қозоқ миллий либосларини кийдиради ва ҳар бирига биттадан тулпор соға қилади.

Сўнг тепага — Сиримбет деб аталадиган масканга кўтариламиз. (Валихоновнинг ота-онаси шу жой-да таваллуд топишган экан). Қо-йинзорлар эстадида 3 та ўтов ти-килган. Уларнинг олдида Қозғон-гон, Ўзбекистон ва Қирғизистон байроқлари ҳилпираб турибди. Президентлар махсус шийпонда мунозаралар олиб боришди. Сўнг бадий ҳаваскорлик дасталарининг концерти алламаҳалгача давом этади. Оқинлар ҳар уччала Прези-дентнинг эзгу ишларини қўшиқча «солишди».

Қозғонгонда Исро Каримов-нинг обрўи ниҳоятда баландлиги-дан қалбимиз фaҳрга тўлди. «Ка-римов халқпарвар, жасур ва мард инсон экан. Худо ишчилиб, уни ўз паноҳида асрасин», — дейишди кўпчилик.

Сафар якунида ҳар уччала мам-лакат Президентларидан интервью олдик:

Исро КАРИМОВ:

— Мен кўпдан буюн шунини қай-та-қайта таъкидлаيمانки, Туркис-тон дийёрида яшаётган халқлар бир кунни келиб барибир, ўз ялдила-рини топиб, тиклашди. Шу нуқ-тан назардан, мана ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, ушбу учрашувлар ўз-бек билан қозоқ халқини бир-бири-дан мутлақо ажратиб қўйибди. Шунинг учун ҳам бундан бир ярим ой муқаддам — Алматыдаги учра-шувда Каримовни Кўчатовга тақ-лиф этдик ва Исро Абдуғаниевич уни ниҳоятда олгандан бо-шини омонга етди (келгуси ойда эса Ўзбекистонда, анқироти, Ну-кусда тўпланиб, Орол муаммолар-ни ҳусусида сўз юртамиз).

Кўчатовликлар, меҳмонлари-миз учун қўлларидан келган бар-ча имкониятларини яратиб беришга ҳаракат қилишди. Ва биз дўстла-рини Каримов билан Акаев вата-ларига катта таассуротлар билан қайтишдиғанидан шодимиз.

Агар таъбир жоиз бўлса, бу — ушбу сафарнинг маънавий томо-ни. Унинг амалий томони ҳам кўн-гилдатидек ақуналиди: ҳозирча Қозғонгон Ўзбекистонга бир мил-лион тонна галла сотадиган бўлди. Яқин орада эса бу кўрсаткич-ни икки миллион тоннага етказиш-нинг реал асослари борлиги ҳам аниқланди...



Исро Каримов, Асқар Акаевни кузатган Кўчатов аэропортига нафақат Нурсултон Назарбоев ва унинг сафдошлари, балки кўплай оддий одамлар ҳам тўпланишди... Шунда бенихтиёр шонимиз Ғафур Ғуломнинг қуйидаги сатрлари едимга келди:

роқ танишишга муваффақ бўлдим. Бу ўлкада амалга оширилатган катта ишлар мени жуда-жуда шод-ланттирди.

Таширининг амалий томонига ўтсак, Нурсултон Назарбоев шун-ингдек Кўчатов, Оқмола ва Ши-молӣ Қозғонгон вилотларининг раҳбарлари билан олиб бортан му-зокараларинида Ўзбекистонга юбориладиган бугдой хажмининг иложи борича кўпайтириш имко-ниятлари ҳақида қиллоқ хўжалиғига оид қатор бошқа масалалар ҳақи-да фикрлашдик.

Асқар АКАЕВ:

— Қозғонгон, Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик шун яқин ора-да мутлақо янги, самарали бир да-ражага кўтарилаётгани ҳаммамиз учун қўвончлидир. Кўчатовдаги ушбу учрашувимиз бунга яққол далилдир. Исро Абдуғаниевич айтгандай, биз қўлдан кўлга бе-риб, баҳамжиҳат бўлсак, умум-ишмиз ўшанча тез олға сийжай-ди. Ишқилиб, бугунги мустақкам дўстлигимизга кўз тегмасин!

Нурсултон НАЗАРБОВ:

— Ўзбекистонда кўп бўлган-дим-у, аммо уни кам биларканман. Чунки Тошкентдан янага ўтмас-дик-да, Исро Абдуғаниевичнинг тақлифи билан Самарқандга бор-ганимдан сўнг мамлакатимизга ҳа-қдаги тасаввурим тағинда кен-гайди. Ва шундай фикрга келдим: биз бир-биримизни кўпроқ, чуқур-роқ билишимиз керак экан. Шунинг учун ҳам бундан бир ярим ой муқаддам — Алматыдаги учра-шувда Каримовни Кўчатовга тақ-лиф этдик ва Исро Абдуғание-вич уни ниҳоятда олгандан бо-шини омонга етди (келгуси ойда эса Ўзбекистонда, анқироти, Ну-кусда тўпланиб, Орол муаммолар-ни ҳусусида сўз юртамиз).

Кўчатовликлар, меҳмонлари-миз учун қўлларидан келган бар-ча имкониятларини яратиб беришга ҳаракат қилишди. Ва биз дўстла-рини Каримов билан Акаев вата-ларига катта таассуротлар билан қайтишдиғанидан шодимиз.

Агар таъбир жоиз бўлса, бу — ушбу сафарнинг маънавий томо-ни. Унинг амалий томони ҳам кўн-гилдатидек ақуналиди: ҳозирча Қозғонгон Ўзбекистонга бир мил-лион тонна галла сотадиган бўлди. Яқин орада эса бу кўрсаткич-ни икки миллион тоннага етказиш-нинг реал асослари борлиги ҳам аниқланди...



қираман», — тақлиф қилди улар-га Президент. Ушбу тақлиф яқ-диллик билан қабул қилинди.

«Иккинчи Қозғонгоннинг кела-жанидан шубҳаласиз, унинг ер-ости ва ер усти бойлиқларини бо-риб кўрсин...», — дед дастхат ёзиб қолдирди қўрбошимиз музей-нинг «асдалик» китобига.

Сўнг ҳар икки Президент ша-ҳар айланишди, кўчалар, майдон-лар ва хиёбанларни тўлдирган кўчатовликлар билан бевоисита суҳбатлашди.

Биз эса пайтдан фойдаланиб, бу ерда тўпланганларнинг айри-ларини мулоқотга қорлаймиз.

Серик Вайғазини, муҳандис: «Қозоқлар билан ўзбеклар тақди-ри азалдан бир халқ. Лекин сўн-ги пайтлар биз бир-биримиздан хиёл узоқлашиб қолувдик. Ме-нимча, атайлаб шундай қилиш-ганди. Кимларгадир бирлигимиз маъқул тушмагандир-да. Хайри-ятки, муносабатларимиз қайта жонланяпти. Бунда Назарбоев билан Каримовнинг хизмати қанчалар катталигини яхши би-ламиз. Бу ҳол, айниқса, биз, оддий одамларни шодлантир-моқда. Халқларнинг дўстлиги раҳбарларнинг ўзаро муносаба-тига бевоисита бoғлиқдир, ва ўй-лайимизки, бу инсонлик янада кучаяди».



Исро Каримов, Асқар Акаевни кузатган Кўчатов аэропортига нафақат Нурсултон Назарбоев ва унинг сафдошлари, балки кўплай оддий одамлар ҳам тўпланишди... Шунда бенихтиёр шонимиз Ғафур Ғуломнинг қуйидаги сатрлари едимга келди:

Ўзбек эли — ўз оғам, — деб, Ўтрик сўзламас қозоқ, Жекам, десам, жонга туташ, Иним, десам, яқинроқ...

Анвар ЖўРАБОВ, Тошкент — Кўчатов — Тошкент. Суратларни А. ИЛЕСОВ тасвирга туширган.

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



"Табани корпорейшн"
фирмаси ўзининг миллий байрами
- Мустақиллик кунини
нишонлаётган ўзбек халқига
тараққиёт, ривожланиш ва
келгусида бундан ҳам
гуллаб-яшнаши учун энг яхши
тилакларини билдириш имконига
эга бўлганидан бехад шоддир.

Биз Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти муносабатлари
қарор топаётган давлат сарни олға бошлаб, халқнинг эркин ва фаровон
ҳаёт кечиришини таъминлаш учун бутун қув-имкониятларини
сарфлаётган Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти жаноб

Ислом Каримовга мустаҳкам соғлиқ, унинг муваффақиятларида
омад, муваффақият ва юртининг тинчлик-ҳотиржамлик, ободлик
тилаймиз.

ТАБАНИ КОРПОРЕЙШН

Ўзбекистонда бундан буюн ҳам ишбилармонликнинг кучайиши,
ишчи фаолиятининг янада жонланишига умид қилади ва бу борада
ўзининг қўлдан келган ёрдамини аямайди.

ТАБАНИ КОРПОРЕЙШН

миллий иқтисодиётни кўтариш дастурини ҳаётга тадбиқ этишда
Ўзбекистоннинг ишончли шеригидир.

ТАБАНИ КОРПОРЕЙШН

бу икки мамлакат ўртасидаги ишчилик ва маданий алоқаларни
мувофиқлаштириб турувчи Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги
курирлар.

ТАБАНИ КОРПОРЕЙШН

қадриятлари ва урф-одатлари бир-бирига яқин икки халқ ўртасидаги
ўзаро бир-бирини тушуниш ва дўстлик алоқаларининг янада
кучайишига кўмак беришни ўзининг бурчи деб билади.

Манзилимиз: Тошкент, Катта Миробод кўчаси, 158
(Иллов, 67) Табани групп-оф компанияси


Телефонлар: 32-35-53, 54-06-70, 54-07-98, 55-35-49.

Факс: 54-08-30.

Телекс: 116416 TBANI SU

"Табани корпорейшн"
фирмасининг Тошкент шаҳар
булимининг бошқарувчиси

Муҳаммад Аббас Хон



Eczacıbaşı

Эджзаджибаши

Азиз ўзбекистонлик биродарлар!
Муътабар айём - Ўзбекистон миллий истиқлолининг икки йиллиги
байрами муборак бўлсин!
Ўзбекистоннинг биринчи Президенти жаноб Ислом Каримовнинг
эзгу ишларида халқ саломатлигини муҳофаза қилиш, юрт
кељагаи - соғлом ва баркамол авлодни камол топтириш
борасидаги ҳайрли ишларида омад ёр бўлаверсин.
Ўзбек халқи саломатлигини муҳофаза қилишга баҳоли қудрат
ҳисса қўшиш бизни қувонтиради.
Ўзбек ва турк халқлари дўстлиги борасида Президентларимиз
тиклаган қардошлик қўргони мустаҳкамланаверсин!

700027, Tashkent, Uzbekistan,
Uzbekistansky Prospekt, 98
(Dom Kino)

Tel: 45-81-21, 45-83-00

700027, Тошкент, Ўзбекистон,
Ўзбекистон шоҳкўчаси, 98
(Кино уйи)
тел: 45-81-21, 45-83-00



"Бариш Тижарет" корхонаси

Туркиядан эркин
муомаладаги валюта ва
рублга халқ истеъмоли
моллари, озиқ-овқат
маҳсулотлари, технология ва
жиҳозларни келтириш ҳамда
сотиш бўйича хизматларни
таклиф қилади.

Манзилимиз: Тошкент,
Навоий кўчаси, 11
Телефонлар: 41-01-72, 41-00-72

АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

"Ўзбекистон ҳаво йўллари"
Миллий авиакомпанияси Сизларни
қувончи байрам - Ўзбекистон
Республикаси Мустақиллигининг
икки йиллиги билан қизғин
табриклайди.

БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси,
жаҳондаги юздан ортиқ мамлакат
томонидан тан олинган Ўзбекистон
демократия йўлидан дадил
бормоқда ва келажакка ишонч
билан қарамоқда.

Миллий авиакомпания янги
халқаро ҳаво йўналишларини очиш
билан давлатимизнинг иқтисодий
ва сиёсий алоқаларини
кенгайтириш ҳамда бутун дунёда
обрусини мустаҳкамлашда ҳисса
қўшаётгани билан фахрланади.

Ўз меҳнатимиз, ақлимиз,
истеъдодимиз билан бизнинг
умумий уйимиз Ўзбекистоннинг
гуллаб-яшнашига
ёрдам берамиз!

Ҳар бир оилада тинчлик,
осойишталик ва бахт барқарор
бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН
ҳаво йўллари

ИНВЕСТБАНК

Ҳиссачиликдаги тижорат сармоячилиқ тараққиёт банки
Хуш келибсиз, муҳтарам "Инвестбанк" акциядорлари ва мижозлари!
Ўзбекистон мустақиллиги санасининг тенгдоши бўлган
"Инвестбанк" барча ўзбек халқини қутлуғ айём билан муборакбод
этади ва миллатимизга бахт-саодат билан равақ тилайди.

Иқтисодий тараққиётнинг турли-туман йўналишларига оид аниқ амалий
таклифлари бўлган барча раҳбарлар, тадбиркор кишилар, ихтирочилар,
кашфийетчилар ва мутахассислар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр
эканлигимизни яна бир бор эслатиб ўтишга руҳсат бергайсиз, азиз биродарлар.
Хоҳлаган аҳоли жойидан еҳуд дунёнинг хоҳлаган бурчагида бўлишингиздан
қатъий назар, бизнинг банкимиз билан ҳамкорлик қилсангиз энг қисқа
муддатларда Сизга қулай бўлган турдаги ҳисоб-китоб амалларини бажариб
беради ва мижозларга электрон почта (фойдаланувчилар компьютерлари
ўрталарида ахборот алмашиш), факсимил ва телекс асбоблари воситачилигида
ахборотларингизни бутун жаҳонга тарқатиш, телекс асбобларидан
компьютерларингизга хоҳлаган маълумотни қабул қилиб олиш имкониятларини
яратувчи телеалоқалар ёрдамида турли-туман тижорат хабарларидан воқиф
қилади.

Телефонларимиз: 41-03-90, 41-09-30, 41-47-54, 41-45-83.
Факс: 44-63-22.

ЭНГ АРЗОН НАРХДА

"Тошкент" муҳандислик маркази
"БОДРОК" (BOPCORN) жўҳори
қовурғич аппаратини таклиф этади.
Фақат бизнинг аппаратларга қилган
ҳаражатларингизни 1 - 2 ойда чиқариб
оласиз.
Телефонлар: 50-03-85, 50-05-90.

Манзилимиз: Тошкент, Фарҳод кўчаси, 10-а уй.
(Жанубий вокзал олдига, "Гипролес" лойиҳа институти)

Самимий қутлов

Жанубий Кореянинг «ИДМ корпорейшн» ком-
панияси ва унинг Президенти КИМ ВОН ДОНГ
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
2 йиллиги муносабати билан жумҳурият раҳба-
рийатини ва аҳлини самимий қутлайди.

ИДМ корпорейши.
Сеул, КОРЕЯ.



Мустақиллик мушоираси

Зоҳиджон ОБИДОВ

АВЖЛАНАВЕР ИСТИҚЛОЛ

Эсавер эй мусаффо

Мустақиллик шамоли

Нафасинг Наврўздек соз,

Яшнаган юрт жамоли.

Хар онинг қутлуғ бўлсин,

Зафарга тулғу бўлсин

Ғошлардан фарғ бўлсин,

Ортиб ўлкам намол.

Авжланавер ардоқда

Мустақиллик давронинг

Азияда машаққат кўп,

Эмас курашда ҳоли,

Имзаб кун кўрганларга

Бизнинг эрк хуш еқарму

Қовриқдай жим боқарму

Аён тажаниб аҳоли.

Бойликка ҳеч бийлабмай,

Ташмаллаб кетардилар,

Дафинага даҳл йўқ,

Шуми эрк берган толе?!..

Ўз юрдада ғарблик

Мушфиқлик қисмат эди,

Зулукдек сўроқ бўлди

Хукмдорлар ҳаёли.

Оғиздагин олдириқ

Мушкул мазаҳуракка,

Тинч кўнғайму тизгини—

Қўлдан бўлсин ядоли!

Армон бўлган эркин

Келганлиги чин бўлсин,

Ғошлар чилларчи бўлсин,

Чўққай тоғлар инсоли.

Хўшёр торт ўзбек аҳли,

Ков-новлаш чўлларин ёқ,

Синсин олтинчи бармоқ,

Сўмасин халқ мажоли.

Бўлгангани бўри ер,

Битсин бау баҳллик,

Қудрат берсин аҳиллик,

Эл бўлиб аҳд-вафол.

Нурали ҚОБУЛ

ТУРКИСТОНИМ, ТУРОНИМ

Буюк қисматлардан яраган жоним,
Бобури маконим, Темурий жоним,
Турк отамдан мерос қадим маконим,Отажоним, Туркистоним, Туроним,
Улуғ Тангриотдан оқдан армоним,
Осиё қалбада жўш урган жоним,

Салжүкий суроним, Усмоний шоним,
Онажоним, Туркистоним, Туроним.
Сен буюк Хун! Боти Хун ҳамда Авар,
Олтин Ўрда, Күктүрк, Ғазна, Ҳазар,
Қораконий, Хоразмий, дилда қадрар,
Оқ Хун, Уйғур, Хуну Европа — қадрар.
Ҳожиб, Сино, Қошғарийдир сарватинг,
Улуғбагу Назарийдир шавкатинг.
Ал Хоразмий, Берунийлар давлатинг,
Танда жоним, Туркистоним, Туроним.
Қўқалп, Отсиз2 орузсидир бу Ватан,
Чўлпон билан Қодирий — баҳишда тан.
Сен Ватанлар ичра бир суюк Ватан,
Жону-танним, Туркистоним, Туроним.
Авар, ингуш, Ҳит, дўсти-броним,
Қозоқ, кирғиз, ўзбек, туркман—анжоним,
Тотор, нўғай, чечен, озар — бир аним,
Санда жоним, Туркистоним, Туроним.
Уйғур, бошқирд, черкес, қорқалпоғим,
Кўкүзүм, тува, кўмик, қалмоғим,
Олтой, домоқ, хакас, долган—хуш чотим,
Балқар, кундур, чуваш, дунган, чирогим.
Шор, қабардин, адигейим, бовуриим,
Туракия, тангу, лезгин, томирим,
Кўзай, Қибрис, Қирим, келди доваринг,
Ен эй жоним, Туркистоним, Туроним.
Она юртинг — Амриқода индус-сан,
Тоғ Маҳалда Шоҳжаҳонсан, юлдуз-сан,
Туниг орда, эртанг порлоқ, кундуз-сан,
Отар тоғим, Туркистоним, Туроним.
Бағриндаги тошу, гилё, тупроқ — биз,
Оташиндан нур симирган япроқ — биз,
Қаддинг кўтар, ғанимлардан кўпроқ — биз,

Амина ҚОДИРОВА

ЮРТИМ ҚАСИДАСИ

Бугун гўллар гўлдек яшнаб атрин
Тоғлар энди хижолатсиз юзи очгайлар.
Юртдан жудо хор бўлбулар юртга
қайтгайлар,
Билмам зоғлар кўнглин доғлаб қайга
қочгайлар.
Истиқлол муборак она Туркистон,
Жоним—жонига туташ ҳур Ўзбекистон.
Кўнча Турон боғи яна навога тўлиши,
Нурайтган тоғи яна давога тўлиши.
Оёқ ости бўлган қутлуғ қадамжолар ҳам
Эрк кўш нури билан дуога тўлиши
Истиқлол муборак она Туркистон

Енар жоним, Туркистоним, Туроним.
Байроқларинг тутар ярм жаҳоним,
Туркий зако яшартирар замоним,
Улкам тами, энди яхши-боним,
Қон эй, жоним Туркистоним, Туроним.
Қутлуғ ўтмиш келажикка боқажан,
Кутлуғ дараёна тақдир оқажан,
Жой эй жоним, Туркистоним, Туроним.
Сансан, муқаддас Қарим Қурбоним,
Сансиз нурга тўлмас, ё Раб, иймоним.
Санда Саодатга эшдир, ҳар оним,
Сўнг маконим, Туркистоним, Туроним.
Амриқсан, ҳокимсан, султоним,
Еа ўқига бардош берган ултоним,
Сенга фидо бўлсин Ватан, бул танним,
Тон эй жоним, Туркистоним, Туроним.
1. Утмишда ота-боболаримиз ўн олтига
Буюк империя қурганлар, булар Буюк
Хун, Боти Хун, Европа Хун (эрамизнинг
IV асрида Атима Европада барпо этган
туркий давлат), Оқ Хун (эфталитлар да-
лати), Кўктүрк, Авар, Ҳазар, Уйғур да-
лати, Қораконийлар, Ғазнавийлар, Буюк сал-
жүкийлар, Хоразмийлар, Олтин Ўрда,
Буюк Темур, Бобур ва Усмонийлар импе-
раторлиқларидир.
2. Зиё Қўқалп, Ниҳол Отсиз — буюк
турк ватанпарварлари. Шу пайтгача турк
халқлари ахлоқи, маданияти ва тарихи
ҳақида энг мукаммал ва батақорр вата-
ний оҳанда ёза олган турк миллиятининг
мумтоз фарзандлари.

ТАБРИКНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ПРЕЗИДЕНТИ И. А. ҚАРИМОВГА

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич!

«Россия — Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик жа-
мияти Сизни ва Сиз орали дўст Ўзбекистон халқини
миллий байрам — республика Мустақиллиги куни билан
самимий табриклайди.

Кўп жиҳатдан маънавий ўхшаш ва яқин бўлган халқ-
ларимизнинг чуқур ва самимий муносабатлари уларнинг
кўп асрлик тарихи давомида ривожланиб, мустақамла-
ниб келди. Давлатларимизда муҳим иқтисодий ислохот-
лар, техникавий ва ижтимоий ўзгаришлар амалга оши-
риллаётган, жамият тузилиши ўзгаришлардан ҳозирги
даврда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида
бунёдкорликнинг барча соҳаларида кенг ҳамкорлик
қилиш Ўзбекистон ва Россия халқлари учун ҳаётий
заруратдир.

Ислам Абдуганиевич, байрам кунинда Сизга, яқин ки-
шиларингизга, Ўзбекистон халқига тинчлик, бахт-саодат
ва фаровонлик тилаймиш.

Жамият раёсатининг топшириғига биноан

Жамиятнинг биринчи Вице-президенти, СССР кос-
монавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоди Қа-
ҳрамони
Жамиятнинг Вице-президенти, «Ирпана Архипова
жамғармаси»нинг биринчи Вице-президенти

Ю. К. ВЕТОШКИН.

Жаноби олийларинг,
Миллий байрамнинг муносабати билан Сизни, ҳуқу-
матингизни ва Ўзбекистон халқини ўз номидан, шунинг-
дек, Австралия ҳукумати ва халқи номидан табриклаш
менга қувонч бахш этади. Мамлакатларимиз ўртасидаги
дўстона муносабатлар келгусида ҳам равиқ топиши ва
мустақамланишига ишонаман.

Билл ХЭЙДЕН.

Австралия генерал-губернатори.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кун—
Истиқлол байрамнинг икки йиллиги билан муборакбод
этамиз. Яхши ниятларингиз ҳамisha ёр бўлсин. Сизнинг
мамлакатингиз билан ҳамкорликда ишлашга умид қила-
миш.

Д. У. ЖОНЕС,

Америка Техника институтининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН—БЕЛАРУСЬ:

АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон ва Мустақил
Давлатлар Ҳамдўстлигига
аъзо бўлган бошқа респу-
бликалар ўртасидаги кўп то-
монлама муносабатлар ба-
робарда икки томонлама
алоқалар ҳам ривожланиб
бормоқда.

Яқинда Беларус Республикаси
Вазирлар Кенгаши
қарорига кўра, Беларус
Республикаси Вазирлар Кен-
гашининг Ўзбекистон Рес-
публикасидаги доимий вако-
латонаси мухтор ваколат-
хонага айлантирилди.

(ЎзА).

«Халқ сўзи»—мукофот соҳибини

Ўзбекистон Республикаси «Наврўз» хайрия
жамғармаси Мустақилликнинг икки йиллигини
эрафасида жамғарманинг «Махрибонлик» му-
кофотида сазовор бўлган шахслар ҳамда жа-
моат ташкилотларининг рўйхатини эълон қил-
ди. Одоб ва ахлоқ маззасида сермазмун эшит-
тиришлар бериб бораётган «Камалак» мусиқий
ахбороти, 10 нафар етим болани боқиб тар-
биялаган Қорақалпоғистонлик Наммадон Жу-
маниёв, Тошкент шаҳар «Обода маҳалласида
истиқомат қилувчи 130 ёшли Махрибонлар
қаторида «Халқ сўзи» рўзмонаси жамоаси ҳам,
«Наврўз» жамғармаси ташкил топганда бўйи
унинг фаолиятини тарғиб қилишда қўшган катта
ҳиссаси учун, биринчи даражали «Махрибонлик»
мунофотида сазовор бўлди.

Жамғарма раиси Дадаход Ёқубов мазкур со-
винини газета бош муҳаррири Анвар Жўрабо-
евага топширар экан, жамғарма фаолиятини
тарғиб қилишда жамоа аҳли қиёнда бирдам
берётганини алоҳида таъкидлади. У киши бу-
гунги кунда олиб бораётган ишлари ва нелгуси
ражалари ҳақида ҳам батафсил сўзлаб берди.
Яна бир қанча ташкилотлар, рўзмоналар
жамоалари ва шахслар ҳам «Наврўз» хайрия
жамғармасининг иккинчи, учинчи даражали со-
винлари ҳамда рағбатлантирувчи пул мукофот-
ларига лойиқ, деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати
ва Олий Кенгаш Котибиятининг жамоаси Соғлиқни
сақлаш ва халқ таълими қўмитасининг раиси Х. М.
Усмоновага онаси

Раҳбарий АВДУВАЛИЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор
этамиз.«Азия юнтини системс» ижодий ишлаб чиқариш корпо-
наси жамоаси корхона бош директорининг ўринбосари

Исхандар ШУКУРОВНИНГ

фожеали ҳалок бўлганлигини чуқур қайғу билан билди-
риб, марҳумнинг онла аъзоларига ҳамдардлик изҳор
қилади.Тошкент педиатрия медицина институтининг маъмурияти,
клиник фармакология кафедраси ходимлари доцент
Ғ. Ғуломовга отаси

Ғулом УМАРОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик
билдирадilar.Халқ амалий санъати «Усто» бирлашмаси жамоаси нақ-
қош

Абдувоҳид АВДУРАЗОҚОВНИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг
онла аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор
этади.

«ТЕЛЕМАРАФОН»



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки
йиллиги байрами муносабати билан жумҳурият ойнаи
жаҳонини кинокорларни 1 сентябрь эрталаб соат 7.00
дан 2 сентябрь 02.00 гача 20 соат давомида узлуксиз
телемарафон ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти М. Шаймиёв,
Президенти И. Каримовнинг Мустақиллик байрами муно-
сабати билан Ўзбекистон халқига табриги билан бош-
ланади. Телемарафон даво-
мида Туркия Президенти ва маданият намояндалари,
С. Демирал, Татаристон таниқли ёзувчи ва шоир-

ларнинг дил сўзларини
тинглайсиз. Мустақил-
лик ва Халқлар Дўстлиги
майдонларидан репортаж-
лар томоша қилиб, Амир
Темур ва Мирзо Улуғбек
хайкаллари ҳамда «Турки-
стон» театрининг очилиш
маросими, жумҳуриятимиз
вилоятлари ва Қорақалпо-
ғистонда бўлиб ўтаётган
тантаналардан воқиф бўла-
сиз. Шунингдек, узлуксиз
телемарафон дастуридан
Марказий Осиё, Туркия,

Татаристон телевидениела-
ри тайёрлаган қизиқарли
курсадувлар ҳам ўрин ол-
ган.
Телемарафонини томоша
қилиш жараёнида сиз «Ўз-
бекистон — келажик буюк
давлат», «Натта имоний-
лар мамлакатини», «Оталар
юрти», «Нон», «Ўзбеки-
стон — ватаним меним»,
«Ўзбекистон жаҳонга юз
тутмоқда», «Тўлпорлар»,
«Муаллима», «Унитилган
ўйинлар» каби кўплаб ви-
део ва телефильм премь-

ераларини томоша қиласиз.
Булардан ташқари телеви-
дение тахририятлари томо-
нидан тайёрланган «Мак-
туб — кўнглим ойнаси»,
«Менинг маҳаллам», «Мус-
тақиллик мушоираси», «Бай-
рам қаҳқоҳаси», «Нардош-
лик тароналари» курсату-
лари Ўзбекистон санъат
усталари ва ижрочи ёшлари
концерт дастурлари ҳам
сиз телетомошабинларга
манзур бўлади деган умид-
дамиз.

СУРАТЛАРДА: (тапдан)

«Тоғ суварлари» рақсида Уй-
ғур ансамбли раққосаси
Феруза Миралимова, «Та-
новар» ансамбли раққоса-
лари Зухра Сафарова, Нан-
на Юсупова ва Зебо Тур-
суновалар. Табрик сўзи би-
лан Ўзбекистон хотин-
қизлар қўмитаси раёсаси
муовини Дилбар Ғуломова-
нинг чиқиши. Ака-ука Ва-
ҳобовларининг чиқиши.

Шоназар ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Суратлар муаллифини.



ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 84608.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

ТАХРИР ҲАҲАТИ:

Абдунаби БОЯҚУЗИЕВ, Эсирган ВОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИ-
ДОВ, Мирнамал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУХИДДИНОВ, Леа ПАК (бош муҳаррир
ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРОФИРОВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Ала-
сандр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИ-
РОВ, Муҳаммадjon ҚОРАБОВ, Саидхон ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир —
Ж. Сефоев,
Набатчи —
М. Холматова.